O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL 14 NOYABR
PAYSHANBA
№ 140 (26.999)
*1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Юқори сифатли, рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш, шунингдек, республиканинг ишлаб чиқарувчи корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача:

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар;

болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини 7 фоизли ставка бўйича тўлайдилар. Болалар учун товарлар гуруҳига кирувчи товарларни аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 июлдаги 327-ф-сон фармойишига ва Статистика давлат департаменти томонидан тасдиқланган саноат маҳсулоти номенклатурасига 1997 йил 17 июлдаги 8-1/3-8-сон тушунтиришга амал қилинсин;

микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар;

ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш физик ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинади;

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмларидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтиришга ва рақобатбардошлилигини оширишга мақсадли йўналтирилган тақдирда, бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинадилар;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга амортизация ажратмаларининг йиллик ҳисобдан чиқариш миқдорларини асосий воситалар хизматининг фойдали муддатидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда солиққа тортиш мақсадидаги амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган нормалардан ошмаслиги керак;

корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташланади.

2. Белгилансинки, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган (истеъмол товарлари ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар умумий ҳажмида камида 60 фоизни ташкил қиладиган) корхоналар 2003-2005 йилларда:

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар импорти бўйича божхонада расмийлаштиришдан кейин 60 кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун эса 90 кундан кечиктирмай божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлайдилар. Бунда улуш қўшиш асосида (толлинг бўйича) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун келтириладиган хомашё божхона тўловларидан озод қилинади, божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно;

ер солиғини белгиланган тартибда амалдаги ставкалар бўйича, лекин тегишли шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкадан ортиқ бўлмаган ставкалар бўйича тўлайдилар;

мулк солиғини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун кредитлар ҳисобига, кредитни қоплаш муддатида, лекин 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда сотиб олинган асбоб-ускуналар қийматига камайтирилган солиққа тортиладиган базадан келиб чиққан ҳолда тўлайдилар;

валюта тушумини истеъмол товарларини экспорт қилишдан олинган, ўз ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун импорт қилинган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматига камайтирилган миқдорда мажбурий равишда сотадилар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлилигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиққа тортишдан бўшаган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима жазоларини ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмда бюджетга ўтказилади.

4. Истеъмол товарларининг йирик ишлаб чиқарувчиларига:

ўз маҳсулотларини расмий дистрибьюторлар орқали улгуржи сотиш тизимини яратиш;

республика минтақаларида, шу жумладан, буюм бозорларида фирма улгуржи-чакана савдо дўконлари шаҳобчаларини ривожлантириш тавсия қилинсин.

*(Давоми 2-бетда)*

**«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙИКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!» фототанловига**



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

**«Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим»**. Президентимизнинг мана шу пурмаъно сўзлари ёшларга қанот бўлмоқда.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети биология факультети IV курс талабаси Шароф Худойбердиев мамлакатимизнинг иқтидорли ёшларидан бири ҳисобланади. У 1997 йилда Туркманистонда 32 мамлакат ўртасида ўтказилган VIII Халқаро олимпиадада III ўринни қўлга киритиб, бронза медали совриндори бўлди. 1998 йилда Германияда ўтказилган IX Халқаро олимпиадада яна шу натижа такрорланди. Шароф Худойбердиев биология фанидан ўтказилган Республика олимпиадаларида уч маротаба I ва II ўринларни қўлга киритди. Унинг шу кунгача 5 та илмий мақоласи тўплам ва журналларда, хорижий нашрларда эълон қилинган. У инглиз, рус ва турк тилларини мукаммал билади.

Шароф Худойбердиев ушбу ютуқлари учун Президент Ислом Каримов дастхати ёзилган китоб билан мукофотланган. Орзулари ойдин, умидлари уйғоқ, қалби ёниқ ёшларимиз эртага Ватан шон-шавкати йўлида жаҳонга довруқ солишларига ишонамиз.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

## «ҚИШ ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?»

**Газетамизнинг шу йил 22 сентябрь сонида чоп этилган мазкур сарлавҳали мақола юзасидан «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги йўллаган жавоб хатини олдик.**

«...Мақола Агентлик ва унинг жойлардаги бўлинмаларида чуқур ўрганиб чиқилди ҳамда кенг муҳокама этилди. Унда кўтарилган масалалар бугунги кун учун жуда долзарб бўлиб, танқид айни вақтида ва ҳаққоний ёзилган. Чунки, жойлардаги мавжуд аҳвол текширувларда ўз тасдиғини топди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган ва бошқа вилоятларда кўрсатиб ўтилган камчиликлар ҳамда нуқсонларни тузатиш юзасидан Агентлик томонидан (ўзига тегишли доирада!) зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Лекин, аҳолига тушунарлироқ бўлиши учун шуни такрор таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилиб, унинг негизида «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги ташкил қилингач, ҳудудларда **аҳолига уй-жой-коммунал хизматларининг барча турларини кўрсатиш** ва соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишлари — тегишли ҳокимликларга ва улар тасарруфидаги ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари зиммасига юкланган.

«Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг асосий вазифалари этиб эса:

*(Давоми 2-бетда)*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига

**Жаноби Олийлари,**

**БМТ котибининг мустақилликка ўн йил аввал эришган мамлакатингизга амалга оширган илк сафар чоғида менга ва делегация аъзоларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Нью-Йоркка қайтганимдан сўнг ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман.**

**Учрашувимиз бизга ўзаро ташвиш уйғотаётган ва минтақада содир бўлаётган масалалар бўйича қарашлар юзасидан фикр алмашишга ажойиб имконият яратди. Мен Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий мақсадларига садоқат ва қўллаб-қувватлашини қувонч билан таъкидламоқчиман. Деярли янги аъзо давлат — Ўзбекистон Ташкилот ишида ўзининг ҳиссаси ва обрўси билан фахрга сазовор. БМТнинг Ўзбекистон билан муносабатлари бундан буён ҳам ривожланаверади ва Сиз билан суҳбатлар давомида муҳокама этилган соҳаларда натижалар беришига аминман. Хусусан, Сизнинг минтақавий можароларнинг олдини олиш, сув ресурсларидан фойдаланиш ва бундан кейин ҳам Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари БМТ ташаббусларини қувватлаганингиз таҳсинга лойиқ. Сизнинг Тошкентда наркотиклар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш юзасидан ташаббусингизни ўрганиш учун БМТнинг наркотиклар бўйича назорат ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасига топшириқ бердим.**

**Сизнинг номингиздан уюштирилган ажойиб қабул маросими сафаримиз давомидаги энг унутилмас лаҳзалар бўлиб қолди. Ушбу қабул маросимининг гўзаллиги самимий суҳбатларда ва албатта, бетакрор бадиий чиқишларда намоён бўлди. Ушбу қабул маросимида чиқишлар қилган санъаткорларга менинг алоҳида ташаккуримни етказишингизни Сиздан илтимос қиламан.**

**Хатимнинг якунида Нэнга, делегация аъзоларига ва менга Самарқанд ва Бухоронинг тарихий осори-атиқалари гўзаллигига муносиб баҳо бериш имкониятини яратганингиз учун Сизга алоҳида ташаккуримни билдирмоқчиман.**

**Жаноби Олийлари, Сизга чуқур ҳурматимни қабул қилишингизни сўрайман.**

**Кофи АННАН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби**
31 октябрь 2002 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 ноябрь

✧✧✧

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:*

**1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.**

**2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш)**

**3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш)**

**4. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.**

**5. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.**

**6. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**7. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**8. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).**

**9. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**10. «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).**

**11. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**12. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.**

✧✧✧

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН



(Сурат Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивидан олинди).

*Бирор мамлакатнинг қанақа эканлигини билмоқчи бўлсанг — унинг бозорини кўр, дейилади қадимги ҳикматларда. Ҳақиқатан ҳам бозорлар фақат олди-сотди жойигина бўлиб қолмасдан, шу давлат халқининг моддий, маънавий ва ахлоқий жиҳатларини ҳам акс эттирувчи ўзига хос кўрк ҳисобланади. Шу маънода Шарқ бозорлари, жумладан, ўзбек халқи бозорлари алоҳида хусусиятга, фазилатга эга.*

*Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиз бозорлари ана шундай хусусиятларга монанд кенгайди ва таъмирланди, янада кўркам ва файзли бўлди. Савдо-сотиқнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди, расталар ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган сифатли, рақбатбардош моллар билан тўлдирилди.*

*Республикамизнинг барча вилоятларидаги каби Тошкентнинг Чорсу, Олой, Миробод, Паркент, Қўйлиқ, Юнусобод ва бошқа бозорларининг қайта қурилиши, улардаги кундалик турмуш эҳтиёжлари ва рўзғор учун зарур бўлган нарсаларнинг мўл-кўллиги ҳар бир харидорни, айниқса, ажнабий сайёҳларни ўзига ром этиши, шаксиз...*

**Суратларда:** пойтахт Олой бозори кириш қисмининг 1966 йилги ва бугунги замонавий кўриниши.



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

# Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

5. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи бўлмаган корхоналарга ишлаб чиқараётган товарларини ўз расмий дистрибьюторларига ва улгуржи савдо корхоналарига 90 кундан ортиқ бўлмаган муддат билан консигнация шартномалари бўйича, шунингдек воситачилик шартномалари ва топшириқномалар бўйича сотишга рухсат берилсин.

6. Тижорат банкларига халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш ва ишлаётганларини кенгайтириш учун белгиланган тартибда миллий ва хорижий валютада кредитлар бериш тавсия қилинсин.

7. Сут, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда молларни гўштга сўйиш билан шуғулланувчи корхоналарга мазкур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан — аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан накд пул билан ҳисоб-китоб қилган ҳолда ўз эхтиёжлари учун тайёрлаш ҳуқуқи берилсин.

Бунда қайта ишлаш корхоналари раҳбарларининг сут, тирик мол, жун, тери, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш учун банкдан олинган накд пуллардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсан жавоб беришлари белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Сут, тирик мол, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш учун тижорат банклари томонидан қайта ишлаш корхоналарига накд пул бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин, жойларда қайта ишлаш корхоналари томонидан кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун накд пуллардан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 13 ноябрь

# БОЗОР ВА ЭРКИН

## ЁХУД УНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ

Президентимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида республикада демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим шарти — эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Сабабики, эркин иқтисодиёт — бозор иқтисодиёти бўлиб, унда барқарор иқтисодиёт ўсиш ва ижтимоий ривожланишни таъминлайдиган рағбат кучи жамланган. Бу куч унинг тамойилларида шундай мужассамланади:

— якка шахсга тегишли ёки кишиларнинг улушларидан ташкил топган корпоратив хусусий мулк иқтисодиётда етакчи ўрин эгаллайди;

— хусусий мулк эгаси ҳақиқий мулкдор бўлиб, нимани, қандай ресурслардан қай усулда ёки қай тарзда ва ким учун ишлаб чиқаришни ўзи белгилайди, натижада, шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар қарор топади;

— тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги таъминланади;

— шахсий манфаатни рўёбга чиқаришга, жумладан, наф, фойда, даромад олишга интилиш кучаяди;

— рақобат ва рақобатчилик муҳити вужудга келади;

— талаб ва таклиф нисбатининг ўзгаришлари таъсирида шаклланувчи нарх эркинлиги амал қила бошлайди;

— давлатнинг иқтисодётга, тадбиркорлик фаолиятига аралашуви чекланади ва ҳоказо.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда айни шу тамойиллар мужассам бўлиб, улар ижтимоий йўналтирилган ва бозор қонунлари ҳамда давлат томонидан тартибга солинадиган иқтисодиётни шакллантиришга қаратилгандир. Бу ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Чунончи, **биринчи босқичда** икки муҳим вазифани бирданига ҳал этишга тўғри келди: **биринчиси,** маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, танглика барҳам бериш ҳамда макроиқтисодий аҳволни барқарорлаштириш; **иккинчиси,** ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини шакллантириш; институционал ўзгаришларни ва кичик хусусийлаштиришни амалга ошириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш.

Кичик хусусийлаштиришни амалга ошириш оқибатида 1994 йил охиригача 65 мингдан ортиқ корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Натижада 1994 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизга яқини иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг **иккинчи босқичи** муомалага миллий валюта — сўмнинг киритилиши билан бошланди. Унда амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларидаги ўрта ҳамда йирик корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда рақобатчилик муҳитини шакллантириш чоралари кўрилди. 1995-1999 йилларда 14 мингдан зиёд объектлар хусусийлаштирилди.

Натижада, 1999 йил бошига келиб, иқтисодиётнинг нодавлат сектори улуши ЯИМ (ялпи ички маҳсулот)да 64,5 фоизни, саноат ишлаб чиқаришида 64,1, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида 98,7, чакана товар айланмасида 95,3, аҳолининг бандлигида 74,2 фоизни ташкил этди. Хусусий кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектларининг деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда ЯИМдаги улуши эса 12,5 фоизга етди. Макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришилди. Натижада ЯИМнинг йиллик ўсиши 1996 йилда 1,7 фоизни, 1997 йилда 5,2, 1998 ва 1999 йилларда 4,4 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес субъектлари эркинликлари кенгайтирилиши ва улар фаолиятига давлат органлари ноўрин аралашувининг камайтирилиши оқибатида 1999-2001 йилларда ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, иқтисодиётнинг нодавлат секторининг ЯИМдаги улуши 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, 74,1 фоизни, саноат маҳсулоти ҳажмида 70,8, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмида 99, иш билан банд бўлганлар сонида 76 фоизни ташкил этди. Ёки кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг сони (2002 йил 1 январь ҳолатига кўра) 201,9 мингдан ошиб, ЯИМдаги улуши 33,8 фоизни ташкил этди. Бу 1999 йилга нисбатан 4,7 фоизга кўп бўлди, деганидир. Ушбу ижобий ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ, 2001 йили илк бор ЯИМ ҳажми ислоҳотларгача бўлган давр даражасидан ортиб, 1991 йилга нисбатан 103 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда ҳозир якка шахсга тегишли ва улушли хусусий мулк эгаларининг турли қатламларидан иборат салкам 6,6 миллион мулкдорлар мавжуд бўлиб, улар 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра қуйидагича тақсимланган:

Хусусий сектор ва мулкдорлар мавқеини ошириш учун

| МУЛКДОРЛАР ТОИФАСИ | МИНГ КИШИ |
|---|---|
| Акциядорлар (жисмоний шахслар) | 1200 |
| Деҳқон хўжаликлари эгалари | 3300 |
| Шу жумладан, деҳқон хўжаликлари мақомини олганлар (рўйхатдан ўтганлар) | 1800 |
| Фермер хўжаликлари эгалари | 55.4 |
| Ширкат хўжаликларидаги пайчилар | 1300 |
| Кичик ва ўрта бизнес субъектлари сифатида рўйхатдан ўтганлар | 201,9 |
| Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар | 279,1 |
| Ер участкалари, кўчмас мулкни қўлга киритганлар | 261.7 |
| **Жами** | **6598,1** |

*(жадвал Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.)*

**«ПАХТА—2002»**

# ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

## Самарқанд вилояти пахтакорлари давлатга 250 минг тонна пахта сотиб, йиллик шартномавий режаларини ортиғи билан адо этдилар

Жорий йилда вилоят аҳлини Яратганнинг ўзи сийлади. Эрта баҳордаги тинимсиз ёғингарчилик, чигитнинг қайта-қайта экилиши дўл, сел, жала — бари унут бўлди. Ёзда омборлар донга тўлди. Кузда ҳар туп ғўза тупидаги ҳосил салмоғи кўрган кўзни қувонтирди... Ҳаммаси — йил бўйи кунни тунга улаб қилинган шаҳдли меҳнат самараси эди. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг терим кезлари вилоятга қилган ташрифи дала миришкорларини руҳлантириб юборди.

Келинг, уларнинг ўзидан эшитамиз:

— Президентимизга шартномавий режамизни биринчилар қатори бажарганимизни айтганимда, у киши суюниб кетдилар, — дея қувонч билан хотирлайди Жомбой туманидаги Х.Низаматов номли хўжалик раиси Аваз Эргашев. — Кейин ҳали даламиздаги ҳосил чўғини кўриб янаям мамнун бўлдилар. У кишининг бу қувончи ва мамнунлиги жамоамизга куч-қувват бағишлади. Режани бажарган бўлсак-да, терим суръатини бирор кун ҳам пасайтирмадик. Ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнер бўлди...

— Мақсад, фақат режани бажаришгина эмас, балки уни ошириб уддалашда ҳамдир, — давом этди Нарпай тумани ҳокими, Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Акбар Жамилов. — Шу нуқтаи назардан туманимиз пахтакорлари вилоятда биринчилар қатори 33000 тоннадан ортиқ улкан хирмон яратишди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми биринчи навга топширилди. Бу йил пахтачиликнинг ўзидан олинадиган даромад 4 миллиард 162 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда. Ислом шоир номли, «Бўстон», «Нарпай», «Навоий», «Самарқанд» хўжаликларида ҳосилдорлик айниқса, юқори бўлди. «Бўстон» ширкат хўжалигидан Ориф Холмуродов, «Самарқанд» хўжалигидан Шоназар Отақулов, Ислом шоир хўжалигидан Қаҳрамон Эргашев, «Ўзбекистон» хўжалигидан Розия Маҳмудовалар бош бўлган оилавий пудратчилар ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан ошириб ҳосил олишди. Сарвигул Эргашева, Сурайё Раҳматова, Фотима Жумаева, Дилбар Исматова сингари теримчиларимиз 8-10 тоннадан ошириб пахта теришганини мақтамай бўладими?!

— Бугун кимдир пахта экаяпти, кимдир ғалла..., — суҳбатимизга қўшилди Самарқанд тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Раҳима Ҳакимова, — Кимдир чорва ва боғдорчилик билан машғул. Туманимиз кўп йиллик танаффусдан сўнг қўшни Пастдарғом тумани ҳудуди хўжаликларида пахта етиштиришга киришди. Собиқ Гўзалкент туманига қарашли Шароф Рашидов номли, «Гумбаз», «Навбаҳор», «Илм» хўжаликларида ғўза парвариши осон бўлмади. Қатор йиллар ишлов берилмаган майдонлар анчайин тобдан чиқиб, йиллар оша режанинг уддаланмагани ва меҳнатга ҳақ тўлаш интизомининг бўшашиб кетганлиги боиси бўлса керак, хўжаликларда аҳолининг меҳнатдан қўли совиб кетган экан. Лекин биз йил бошиданоқ ишни аввал одамлар кўнглини овлашдан, уларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашдан, кейин секин-аста улар билан хўжалик иқтисодиёти хусусида маслаҳатлашишдан бошладик. Гапни бир ерга қўйиб, ҳаммамиз жамулжам, барча соҳалар бўйича ёппасига «юриш» бошладик ва яхшигина самарага эришдик. Ғалла, пилла, боғдорчилик, сабзавотчилик маҳсулотлари мўл бўлди, кўриб турибсиз, пахтамиз ҳам 10 минг тоннадан ошди. Йиғим-теримда фаол иштирок этган 4 минг нафардан зиёд ҳашарчилар ҳимматидан ҳам мамнунмиз...

Ҳа, бугун вилоят пахтакорлари шаънига қанча илиқ сўз айтилса ҳам оз. Улар қатор йиллар бажарилмай келинган режани бу йил бажаришди, қатор йиллар ошилмаган довондан бу йил ошишди.



«Бу ютуқ ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, ишни тўғри ташкил этиб ишлаган, мавжуд барча имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланган тақдирда қишлоқ хўжалигида қандай самараларга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди», — деди Президентимиз вилоят пахтакорларига юборган табрик хатида. Дарвоқе, тикланган улкан хирмонга Нарпай, Жомбой, Самарқанд, Оқдарё, Ургут, Каттақўрғон, Пастдарғом, Пахтачи туманлари салмоқли улуш қўшиб Юртбошимиз сўзида баён этилган фикрларни яққол исбот этдилар.

— Ялпи ҳосил 260 минг тонна бўлади! — заршунослар шаҳди шундай.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# «ҲАЗОРА» ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Етти-саккиз йилдан буён қолоқлик домида санацияга тушган «Ҳазора» хўжалиги қаддини тиклаб олди.

Бошқарув раисларининг тез-тез алмашиши, сурункали қолоқлик, иқтисодий танглик ҳазораликларни меҳнатдан «совутиб» қўйганди. Санацияга тушган хўжаликка ўтган йилнинг айни шу кезларида кўп йиллар ҳисобчи бўлиб ишлаган Комилжон Ҳамдамов раис этиб сайланди-ю, ишлар олдинга силжий бошлади. Хўжалик бир йилдаёқ Навоий туманида олдингилар сафига чиқиб олди: пиллакорлар эрта етилувчи ипак куртидан 22,2 тонна ҳосил олиб, режани 102 фоиз уддалашган бўлса, дон ишлаб чиқариш 140 фоизни ташкил этди. Кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 55 центнердан сара дон йиғиб олинди. Пудратчиларга 350 тонна дон мукофот тарзида бўлиб берилди. Чорвачилик соҳасидаги ютуқлар ҳам ёмон бўлмади: мавжуд қорамол ва қўй-эчкилар сони 500 бошдан ошиб кетди.

Хўжаликда асосий тармоқ — пахтачиликда, айниқса самарали натижаларга эришилди. Эл хирмонига 1300 тонна пахта сотилиб, йиллик шартномавий режа барвақт уддаланди. Ўтган йиллари гектар бошига ҳосилдорлик 19-24 центнердан ошмаган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 30-31 центнерни ташкил этди. Хомашёнинг 85 фоизи биринчи навларга сотилди. Пировардида, олиниши мўлжалланаётган 310 миллион сўмлик даромаднинг 230 миллион сўми биргина пахтачиликдан кутилмоқда.

— Ишни, аввало, суғориладиган ерларни пудратчиларга бўлиб беришдан бошладик, — ҳикоя қилди раис бир йил олдинги кезларни хотирлаб. Шўрхоқ, унумсиз ерларда маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаландик. Ғўза баравж бўлди. Марра эгалланди. Ҳозир эса келгуси йил ғамида шудгор ва кузги ғалла экиш юмушларини бошлаб юбордик. Гапнинг сирасини айтадиган бўлсам, хўжалигимиз эришган ютуқлар — миришкор деҳқонларимиз билан бамаслаҳат қилинган меҳнатимиз самарасидир...

... Раис «бамаслаҳат қилинган меҳнат самараси» деганда хўжаликнинг Исмат Олимов, Тўхта Тошев, Райим Рафиев, Бозор Ражабов, Бобоқул Раҳимов, Арслон Ражабов, Холтош Рўзиев, Саҳат Олимов сингари ўнлаб пудратчи, механизатор ва дала дарғаларини назарда тутди, албатта...

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**ПАРТИЯ ҲАЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ**

Марҳамат, Тўрақўрғон, Чуст, Чортоқ туман партия кенгашлари *келаси йил учун партия матбуоти нашрларига обунанинг ўтказилишини жойларда доимий назорат қилмоқдалар.* Унинг бориши ижроия бюро йиғилишлари, котиблар соатлари, фаоллар йиғилишлари, бошланғич партия ташкилотлари мажлисларида кўрилмоқда. Жумладан, Тўрақўрғон туманидаги «Зиёлилар» ҳудудий партия ташкилоти очиқ умумий йиғилишида шу борадаги ишлар таҳлил қилиниб, аниқ вазифалар белгиланди.

**Андижон шаҳар партия кенгаши** масъул ходимлари яқинда Бобур номидаги Ип-газлама ишлаб чиқариш корхонасига қарашли тиббиёт бўлими ишчи-хизматчилари билан учрашдилар. Эркин руҳда ўтган суҳбатда улар мамлакатимизда рўй бераётган мисли кўрилмаган ўзгаришлар, Ўзбекистон ХДПнинг жамиятдаги ўрни ва мақсад-муддаоси, ташкилотларининг фаолияти, партия сафига кириш қоида-тартиблари тўғрисида сўзлаб бердилар.

**ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ВА МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР**

**Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши** биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Фармон Омонов ЮНИСЕФ Халқаро болалар ташкилоти ва республика болалар жамғармаси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган «Болалар парламенти» аъзолари билан учрашди. У навқирон авлод вакилларига Ўзбекистон парламентининг фаолияти, демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг мамлакатимиз фуқаролари ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни ҳақида сўзлади ва иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Қизғин ўтган мулоқотда «Болалар парламенти» лойиҳасининг вилоятдаги мувофиқлаштирувчиси Р. Рўзибоева, ёш «парламентчилар»: Нишон туманидан Дилафрўз Тўрақулова, Китоб туманидан Умид Холиқов, Шаҳрисабз туманидан Севара Жабборова, Қарши шаҳридан Зиёвуддин Назаров, Касби туманидан Улуғбек Саиднабиев ва бошқалар қатнашдилар.

«Қарияларни қадрла, элим!» шиори остида **Ғузор туманида** бўлиб ўтган оммавий тадбирга юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида кўп йиллар ҳормай меҳнат қилган оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, фаоллар таклиф қилиндилар. Бир пиёла чой устида ўтган илиқ суҳбатда Олий Мажлис депутатлари — «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари О. Муродов, мамлакат парламентининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафоева, туман ҳокими Х. Бозоров, вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Я. Иноятов, ХДП Ғузор туман кенгаши биринчи котиби Р. Холманова, ва бошқалар иштирок этдилар. Улар Юртбошимизнинг ташаббуси билан юртимизда 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниб, унга оид қабул қилинган Давлат дастурининг бажарилиши, кекса авлод вакилларининг Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш, туб ислоҳотларни олиб боришга қўшаётган катта ҳиссаси тўғрисида гапириб, отахону онахонларга миннатдорчилик билдирдилар. Тадбир сўнггида катта концерт дастури намойиш этилди.

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

# «ҚИШ ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— аҳолини узлуксиз табиий ва суюлтирилган газ ҳамда минтақалараро сув ўтказгич қувурларнинг доимий (кафолатли) ишлашини таъминлаш;

— минтақалараро сув ўтказгич қувурлари ва газ таъминоти тизимида ягона техникавий сиёсатни шакллантириш, уларнинг қурилишида буюртмачи вазифасини бажариш;

— соҳага чет эл инвестицияларини ва технологияларини (масалан, қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳисобига) жалб этиш белгиланган.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти **«Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»**-ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Унинг 1-моддасида **«Уй-жой мулкдорларининг ширкати — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланишини, унинг сақланишини биргаликда бошқариш, умумий фойдаланишдаги объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари, тартибини аниқлаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги ҳолатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмасидир»** — деб таъкидланган.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ислоҳотлар жадал суръатларда амалга оширилаётгани каби коммунал хизмат соҳада ҳам иқтисодий ислоҳотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Ҳар бир хусусийлаштирилган хонадон эгаларига мулкдор бўлганлигини ҳис қилиши, мулкдорларнинг бирлашиб, ширкат тузиб, умумий мол-мулкни сақлаш ва таъминлаш бўйича харажатларни қоплашлари зарурлиги мунтазам тушунтириб борилмоқда.

Ширкатларнинг ҳуқуқлари Қонуннинг 13-моддасида ўз ифодасини топган. Унда: **ширкат уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун пудратчини белгилаш, умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш, коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда мулкдорга нисбатан ширкатга етказилган зарарларининг ўрнини қоплаш талаби билан даъво қўзғатишга ҳақлидир.**

Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик тармоқларини мукаммал таъмирлашга тегишлича маблағ ажратиш, тижорат банкларига эса ушбу мақсадлар учун ширкатларга имтиёзли кредитлар берилиши тавсия этилган.

Бу йил январь-сентябрь ойлари мобайнида республика бўйича 1991 йилгача қурилган 891 та кўп қаватли уйлар мукаммал таъмирдан чиқарилди, ҳокимликлар томонидан эса жаъми 667 миллион сўмликдан зиёдроқ маблағлар ширкатлар фаолиятларини яхшилаш учун ёрдам сифатида ажратилди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари орасида фақат Ўзбекистондагина 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш учун давлат томонидан (мақсадли равишда) бюджетдан маблағ ажратилиб келинмоқда. Юқорида қайд этилган 891 та уйни мукаммал таъмирлаш учун 5 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағлари ва 2,4 миллиард сўмга яқин бюджетдан ташқари маблағлар сарф қилинди. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мулк эгаси сифатида ширкатлар ва ширкатга бирлашган уй-жой эгаларининг ўзлари ҳам ўз уйларини сақлаш ҳамда уни таъмирлаш масалаларига куюнчаклик билан ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Ўзкоммунхизмат» Агентлиги мутахассислари барча вилоятларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини атрофлича ўрганиб чиқдилар ва мазкур масалага оид Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари таркибида олиб борилган мониторингларда фаол иштирок этдилар. Мониторинглар ўтказиш жараёнида уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари, бошқарув аъзолари билан мулоқотда бўлиб, тегишли тавсиялар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари Агентлик қошида ташкил этилган «Мулоқот» клубида 110 дан зиёд ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилди, соҳада фаолият кўрсатаётган 448 та мутахассислар ўқитилиб, уларга махсус сертификатлар берилди. Машғулотларда 1600 нафардан зиёд мутахассис малака оширди...

■ **«Ўзкоммунхизмат» Агентлиги бош директори**
**Ў.ХАЛМУҲАМЕДОВ**

**ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ**

# ИҚТИСОДИЁТ

## ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХУСУСИДА

тармоқ тузилишини белгилаб берувчи йирик корхоналарни хусусийлаштириш ва бу жараёнларга хорижий инвесторларни ҳамда аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш ишлари ҳали янада жадаллашади. Бу янги босқичда хусусийлаштириладиган корхоналар жумласига «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига қарашли 8 та акциядорлик корхоналари, «Ўзбекэнерго» ДАК, Олмалиқ ДАК, «Ўзметкомбинат» АЖ, Химия-кабель саноати, «Ўзбекистон темир йўллари», Навоий ва Оҳангарон цемент заводлари киради. Уларнинг 39-70 фоиз акциялари хорижий сармоядорларга сотилади. Бу ишларни амалга оширишда чет эллардан молиявий масалалар бўйича малакали маслаҳатчилар жалб этиш ишлари олиб борилади.

Чет эл сармоядорларига 49 та корхона (жумладан, «Жиззахпластмасса» АЖ, «Подшипник» АЖ, «Каноп» АЖ, «Мехмаш» АЖ, «Самарқанд» (лифтсозлик заводи) АЖ, «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари, «Ўзбекнонмаҳсулотлари» корпорациясининг 10 та нон ишлаб чиқариш корхоналари, меҳмонхоналар, паррандачилик фермалари, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ва ҳоказолар сотилади. Шунингдек, ижтимоий-маданий инфратузилмаси, яъни соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар боғчалари, маданият уйлари ҳам хусусийлаштирилади.

Хусусийлаштирилган 622 та корхоналарнинг давлатга тегишли акцияларини биржада ва ундан ташқаридаги бозорларда сотишга рухсат берилган. Бунда давлатга тегишли бўлган мулкнинг 10-25 фоизи ва ҳатто 60 фоизини сотиш мўлжалланмоқда. Оқибатда улушли мулкдорлар — акциядорлар қатлами анча кенгаяди. Эркин иқтисодиёт тамойиллари асосида ишлайдиган ва хорижий инвестиция иштирокидаги хўжалик субъектлари ҳам фаолият юрита бошлайди. Акциядорлар реал улушли мулк эгасига айланиб, дивиденд олиш имкониятлари ортади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнлари билан бирга кучли бозор инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш ҳам амалга оширилади. Хўжалик субъектларига банк-кредит муассасаларининг кўрсатадиган хизмат турлари кўпайиб, улар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар такомиллашади.

Мухтасар қилиб айтганда, эркин иқтисодиёт тамойилларини ҳаётга жорий қилиш мақсадида:

— иқтисодиёт субъектлари фаолиятини давлат органлари томонидан маъмурий регламентациялаш, яъни тартиблаш кўламини қисқартириш;

— мулкчилик шаклларидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитлар яратиб бориш; айрим стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналар ва тармоқлар учун асоссиз равишда берилган имтиёзларни ва улар учун яратилган қулай шароитларни бекор қилиш лозим бўлади.

Шунингдек, корхоналар бозор муносабатлари шароитида қатъий молиявий чеклашлар доирасида фаолият юритишга ўтишлари керак. Бунинг учун улар ялпи харажатларининг ялпи даромад ҳажмидан ошиб кетишига йўл қўймасликлари, яъни даромадга яраша буромад қилишлари ҳам даркор. Солиқ тизими қатъийлигини ошириш, имтиёзлар беришни камайтириш, кредитларни қатъий шартлар асосида бериш тақозо этилади. Рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодий, табиий монополиялар фаолиятини чеклаш керак бўлади.

Хуллас, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш учун давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш механизмини ривожлантириш ва унинг бозор механизми билан уйғунлигини таъминлаш йўлида ҳали, шубҳасиз, кўп ишлар қилиш лозим. Масалан, 2010 йилга бориб, ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатини 6-8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатини 7-8, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш суръатини 6-7 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. 2010 йилгача бўлган даврда ЯИМнинг таркиби ҳам ўзгариб, унинг даромадлар бўйича таркибида иш ҳақининг улуши ҳозирги 35 фоиздан 60-65 фоизга ўсиши, натижада аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, ЯИМнинг энергия ҳамкорлиги эса 1,6-1,8 баробарга камайиши кўзда тутилмоқда. Бу даврда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2,3-2,5 баробарга ўсади. Яқин беш йилда эса истеъмол товарлари саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улушини 50 фоизга етказиш кўзланган. Шунингдек, 2010 йилгача қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш камида 1,82 баробар ўсиши режалаштирилган.

Таркибий ўзгартиришлар туфайли иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибий тузилиши ҳам вужудга келади. Чунончи, 2010 йилга келиб, экспорт ҳажмини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш тахмин қилинмоқда. Экспортнинг ЯИМдаги улуши 40-50 фоизга етказилиб, унинг таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 15-17 фоизга етказилади ва пахта толасининг улуши 14-16 фоизгача қисқартирилади.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятини ва бозорларни эркинлаштириш — эркин иқтисодиёт тамойилларининг жорий этилиши учун қулай шароитлар яратади. Пировардида, бозор иқтисодиётининг шаклланишига, барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилади. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши — унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади.

■ **Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.**

## XÖRIJDA

### ДИПЛОМАТЛАР МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛМОҚДА

Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида фаолият юритаётган Кубанинг 4 нафар дипломати 10 кун мобайнида мамлакатдан чиқиб кетиши керак. Буни Америка ҳукумати талаб этмоқда.

Вашингтонда хизмат қилаётган 2 дипломат Монтес билан алоқадорликда гумон қилинмоқда.

Гап шундаки, Америка фуқароси Монтес Америка разведкасининг собиқ ходими бўлиб, у Куба фойдасига ишлаганлиги учун судланган ва 25 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Нью-Йоркдаги кубалик 2 дипломат ҳам жосусликда гумон қилинмоқда. Шунинг учун АҚШ ҳукумати «уларнинг фаолияти Қўшма Штатлар учун жиддий хавф туғдириши мумкин» дея ҳисобламоқда.

### КЕМА ЧЎКИБ КЕТДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай портидан Эроннинг Абадан портига йўл олган Эроннинг 85 тонналик «Нажум» дея номланган юк кемаси Форс кўрфазининг шимолий сувликларида чўкиб кетди. Кемада радио асбоб-ускуналари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бор эди.

Кичик қайиқда Абадан портигача сузиб бориб, ўзларини қутқариб қолган 9 нафар йўловчи ва денгизчи берган маълумотларга кўра, кема кучли пўртанага учраган.

Умуман бу йил Эроннинг ўндан ортиқ катта-кичик кемалари Форс кўрфази ва Арундеруд каналида ҳалокатга учраган.

### «ШЕВРОЛЕ-НИВА» САВДОСИ БОШЛАНДИ



«GM-АвтоВАЗ» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган янги русумдаги «Шевроле-Нива» автомашиналари расмий савдога чиқарилди. Бу ҳақда «Авто+Автомеханика. Санкт-Петербург» кўргазмасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида қўшма корхонанинг бош директори Жон Милонас маълум қилди. Йил охиригача, 456 та шундай автомобиль ишлаб чиқариш ва сотиш мўлжалланмоқда.

## ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази «Эски жўва» универсал бозори ОАЖ ҳудудида «Эгамберди ошпаз» хусусий корхонаси ва «ТИМ» олдидаги майдонда савдо шаҳобчалари қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг ижара ҳуқуқини сотиш бўйича 2002 йил 17, 20, 27 декабрь кунлари соат 10.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдоларини ўтказади.

Кимошди савдоларига қуйидаги ер участкаларининг ижара ҳуқуқи қўйилади:

| Т/р | Ер участкаларининг сони | Битта ер участкасининг майдони | Қуриладиган шаҳобча тури | Ижара ҳуқуқининг бошланғич нархи | Гаров пули миқдори |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 24 | 30 кв.м. | Савдо шаҳобча-си | 1 млн. сўм | 50 000 сўм |

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар юқорида кўрсатилган миқдорда гаров пули тўлашлари шарт. Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби, ижара шартлари ва ариза топшириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16-А уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 133-46-70.**

## 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ



*Набира ҳаётга қўйганда қадам,*
*Бувалар уй-жойин қилишади «ғам».*
*Даставвал атрофга экиб тол-терак,*
*Эшик-ром, бешикдан бўлар хотиржам...*
*Томига тўсиннинг ташвиши-ла банд,*
*Паркентлик бу икки мўйсафид чол ҳам...*

**Замон АЛИ**

*Суратда:*
Тошкент вилояти, Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи пиру бадавлат отахонлар — Эргаш бобо Ашуров билан Хабибулла ака Ғуломов.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## БМТ ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛМАСА?!.

Маълумки, ўтган жумада БМТ Ироқ масаласи бўйича 1441-сонли янги резолюция қабул қилганди. Бу резолюция шартларини эса Ироқ парламенти муҳокама этиб, шартларни бажариш-бажармаслик ҳақида 15 ноябргача бўлган муддатда жавоб бериши лозим эди. Шунинг учун душанба куни кечқурун Бағдодда Ироқ парламенти — Миллий Кенгашнинг фавқулодда мажлиси ўтказилди. Бу мажлис сешанба куни ҳам давом этди. Ва улар резолюциянинг асосий шарти бўлмиш БМТ инспекторларининг мамлакатга кириб, текширув ўтказишларига қарши чиқишди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ироқ президентининг тўнғич ўғли Удэй парламентга мурожаат этиб, БМТ инспекторларини мамлакатга киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилмасликларини сўради. Бироқ...

Энди охирги сўзни мамлакат президенти Саддам Ҳусайн айтади. У парламент қарорини бекор қилиши ҳам мумкин, ёки аксинча уни маъқуллаб, қўллаб-қувватлаши ҳам унинг фахм-фаросатию, ақлу-заковатига ҳавола.

Агар резолюция шартлари бажарилмаса, Ироқни бомбардимон қилиш «сценарий»сини New York Times газетаси эълон қилди. Унда берилган маълумотларга кўра, Ироқнинг барча ҳарбий объектларига ва Саддам Ҳусайн қароргоҳига 1,5 тонналик бомбалар ёғдирилгандан сўнг Ироққа 200 минг ҳарбий десантчи ташланади. Ҳарбий операцияни АҚШ Марказий қўмондонлиги штаби бошлиғи Томми Фрэнкс бошқаради.

АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг айтишича, ҳарбий операцияни бошлаш 8 декабрга белгиланган. Шу кунгача Ироқ президенти оммавий қирғин қуроллари ҳақидаги барча манбаларни инспекторларга маълум қилиши керак. Шундан сўнг текшириш бошланади ва бу жараён 21 февралгача давом этади. Шу куни БМТ инспекторлари БМТ Хавфсизлик Кенгашига текширув якунлари тўғрисида ҳисобот беришлари керак.

Агар Ироқ БМТ инспекторларининг барча талабларини қондирса, бўлажак урушнинг олди олинишига имкон яратилади, дейилади хабарларда.

Medact тиббиётчилар ташкилоти экспертларининг маълум қилишларича, агар Ироққа уруш очилса, ядро хавфи юзага келиши эҳтимоли йўқ эмас. Бу 4 миллион одамнинг дунёдан кўз юмишига олиб келади. Бундан ташқари яқин ҳудудлардаги одамларнинг соғлиғига жиддий хавф туғилади ва атроф-муҳит мувозанати издан чиқади. Ядро хавфи юзага келмаган тақдирдаям, ярим миллион одам эпидемия ва очликдан нобуд бўлиши, бир қанча одамлар эса қочоқ сифатида ўзга юртларга бош олиб кетиши, нефть баҳоси кўтарилиши натижасида эса глобал иқтисодий буҳрон бошланиши мумкин.

Қисқаси, кескинлашган жараённи юмшатиш ёки аксинча, уни янада жиддийлаштириш Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг қандай хулоса чиқаришига боғлиқ бўлиб турибди.

■ **Internet хабарлари асосида Алимқул СУЛТОН тайёрлади.**

**ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ**

# ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪА

## ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИДА ПАЙДО БЎЛГАН БУ ҚАЛЪАНИНГ НОМИНИ МАҚОЛАМИЗ ДАВОМИДА БИЛИБ ОЛАСИЗ...

### БИРИНЧИ ҚАЙД. ТАРИХ ОЛДИДАГИ СУКУТ

Ёзувчилар боғида суҳбатлашганимизда атоқли адиб, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергенов шундай деганди: «Элликқалъа деганда нафақат қорақалпоқ, буткул Хоразм, туркийзабон халқларнинг тарихи кўз олдимга келади. Сабаби, Элликқалъа барча туркийзабон халқларнинг асосий марказларидан бири бўлганини тарих тасдиқлайди...».

Оқсоқол адибнинг эътирофини кўнглимга тугиб қўйгандим. Шунинг учун ҳам Урганч аэропортидан Элликқалъа тарафга йўл олганим ҳамоно: «Энг аввал қалъалар, зиёратгоҳ жойларни бориб кўраман...» деб ният қилдим.

Бу гўзал шаҳар қадимда цивилизация бешиги саналган. Ва, улуғ Берунийни улғайтган Кат шаҳри яқинида орадан неча ўнлаб асрлар ўтгач қайтадан пайдо бўлганлигида рамзий бир маъно туйдим. Оққан дарё оқмасдан қолмас, деганлари шу бўлса керак, Ҳа, бир пайтлар шарқнинг ёниқ юлдузи саналган қадимий Кат шаҳри атрофи табиий офат ва талотумлардан, айниқса, Амударё тошқинидан талафот кўриб, теп-текис бўлиб кетган масканда гўзал бир шаҳар, гуркираб-гуриллаб саноатлашиб бораётган Элликқалъа тумани бўй кўрсатди.

Элликқалъа — тирик тарих. Унинг ҳудудида 253 та қалъа ва қўрғон мавжуд. Улардан энг қадимийси — Елликқалъа (Шабадали қалъа) деган маънони англатган. Елликқалъа (ҳозирги Элликқалъа)да милодий III-IV асрларда одамлар истиқомат қилишган. Тарихий манба ва илмий тадқиқотлар, археологик қазилмалар давридаги кузатувлар шуни таъкидлайдики, Елликқалъа қўрғони ўша пайтдаги Тупроққалъа билан тенгдош бўлган... Тупроққалъа эса Кушон империясидан ажралиб чиққан Хоразм давлатининг пойтахти эди. Абу Райҳон Берунийнинг таъкидлашича, кейинчалик милодий 305 йилда Хоразм пойтахти Кат (ҳозирги Беруний шаҳри)га кўчирилади. Чунки, ҳадсиз-ҳисобсиз Амударё тошқини, талафот бунга сабаб бўлади. Хуллас, бир асрга етар-етмас гуллаб-яшнаган воҳа ҳувиллаб қолади. Дарё суви тошиб овул ва қишлоқларни, боғ-роғларни, даррандаю-паррандаларни, аҳолини балоқазодай ёпирилган сув хасу, чўпдай чирпирак қилиб учириб кетади. Бол томган боғ-роғлар, бўлиқ буғдойзорлар, ариқ ва қўрғонларни кейинчалик қум босди — улар эгасиз қолдилар... Бироқ, орадан неча-неча асрлар ўтиб бу ерларда ҳаёт томирларида тириклик қони юриб, шу мозийнинг кўҳна қалъаларига яна одамзот оёғи етиб, ҳаёт бошланганди. Қадим боболарнинг нечанчи бир авлоди ўз аждодлари ерига эгалик қилди. Қадим қўрғону қалъалар минг-минг йиллардан сўнг ўз бунёдкорларининг бугунги авлодини бағрига олди. Элликқалъага иккинчи бор ҳаёт ато этилди. Элликқалъа ҳудудидаги азалий қалъалар — Қизилқалъа, Аёзқалъа, Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Гулдурсинқалъа, Елликқалъа, Норинжонқалъа, Бургутқалъа, Қумбосганқалъа, Ўйқалъа, Ёмбошқалъа, Қўйиқирқилганқалъа... ва ҳоказо қалъалар бугунги даврга келиб яна қайтадан ўз шаън-шавкатини тиклади. Қадим қалъаларга шукуҳ қайтди. Элликқалъа бугунги кунда озод юртимизнинг мусаффо ва тиниқ осмони остидаги очиқ музейдир.

### ИККИНЧИ ҚАЙД. ИЖОДКОРГА БАҒИР ОЧГАН ЮРТ

Бугун тумандаги деярли барча қалъаларни бориб кўрдим. Тарих билан юзма-юз тургандай бўлдим. Милодий III-IV асрларда тикланган қўрғон ва қалъалар деворларига назар ташларканман, қадим боболарнинг нафасини, тафтини туйдим. Тарих ўлмайди, тарих миллатнинг мангуликка битилган номи, деган ўйга келдим. Эҳ, бу қалъалар қанчалар жангу-жадаллар, қирғин-баротларни кўрмади дейсиз.

... Элликқалъа тарихи музейига кирдим. Қалъалардан топилган уй-рўзғор буюмлари! Тақинчоқлар... Турли хил иншоот ва обидалар қад ростлаганидан далолат берувчи манбалар... Ов қуроллари, жасорат ва мардлик манбаи бўлган турли-туман яроғ-аслаҳалар... Ўз давридаги қудратли давлатнинг гўзал ва обод шаҳарларига нисбат бергувчи ашёвий далиллар...

Элликқалъа тарихи музейидаги қалин китобни варақлайман. Мамлакатимизнинг энг улуғ кишилари, олиму ёзувчи-шоирлар Элликқалъа ўтмиши ва бугунидан ҳайратланиб ўз дил изҳорини китоб саҳифаларига битишган. Таниганларим — Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулло Орипов, Эркин Воҳидов, халқ шоирлари Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва бошқа ижодкору зиёлилар, журналистларнинг дастхатларини кўрдим. Хаёлимдан бир ўй кечди; ижодкорлар, айниқса, кўп журналистларнинг бир оёғи доимо Элликқалъада. Элликқалъада ҳар йили шеърият байрами ўтказиляпти. Юртимизнинг довруқли шоир ёзувчилари, санъаткорлари Элликқалъага ташриф буюрадилар. Туман марказидаги Амфитеатрга одам лиқ тўлади.

Кечки пайт ҳамроҳим, ЎзХДП Элликқалъа туман кенгаши биринчи котиби Шоназар Кенжаев мени «Ботаника боғи»га бошлаб келди. Шу ерда қоладиган бўлдим. Замонавий шарқона усулда ишланган меҳмонхона боғ ўртасида жойлашган бўлиб, ён-атрофи гулу дов-дарахтлар билан ўралган эди. Кунботар томондан, ўн чақиримга етар-етмай оқиб ўтаётган улкан Аму тарафдан салқин шамол эсарди. Ётоқ айвонидан шаҳарнинг қоқ маркази — юлдузлар оғушида қолган мисоли бесаноқ чироқлар шуълaсида жуда гўзал, салобатли кўринади. Шимол тарафда ястанган саҳролар бағрида эса, тун сукунати қўйнидан тарихнинг қадимги қалъалари ўз бағрига қанчалаб сир-синоатни яшириб ётганга ўхшарди гўё. Бу қалъалар ичида минглаб нигоҳлар сени кузатиб тургандай, Ватан деган улуғ туйғуни қон-қонингга сингдираётгандай бўлади.

### УЧИНЧИ АСОСИЙ ҚАЙД. БУГУНГИ ЭЛЛИКҚАЛЪА

Халқда: «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган гап бор.

Ҳамма нарсани ўз кўзинг билан кўрсанг, ҳис қилсанг, тасаввурингда ёлғон, тўқима манзаралар эмас, балки айни ҳақиқатни жонлантирсанг, кўрган-билганларингни қоғозга туширишга қийналмайсан... Эрталаб қуёш нурлари саҳролар қўйнида қизил чизиқ тортиб товлана бошлаган, олам қирмиз тусга кирган паллада қаршимдаги мўъжизани кўриб лол қолдим. Ҳайратим сад-сарҳадсиз эди. Шундоқ, мени олиб боришган жойда — қаршимда поёнсиз кўл ястаниб ётар, кўл сатҳига қадалган қуёшнинг қизғиш нурлари минг бир тусда жилоланиб кўзни қамаштирар, рўпарамда кўзгудай тиниқ осмоннинг бир бўлаги ястаниб ётганга ўхшарди. Номи Оқча кўл, Қизиқ. Қорақалпоқ саҳроларининг қоқ белида Оқча кўлдай мўъжизавий кўл борлигини хаёлимга келтирмагандим. Кўл қирғоғида тикланган ёғоч ший-понлар устунларига боғланган қайиқлар эрталабки шамолда оҳиста чайқалади. Кўлнинг қоқ ўртасида эса қайиқчилар эшкак эшишмоқда.

Чўл иқлимига мослашган Туронғил дарахтлари чинорга ўхшаб кетаркан. Бироқ Туронғиллар шўрга чидамли бўлишаркан. Шунинг учун улар Оқчакўлнинг шўр соҳилларида бемалол қад ростлаб турибдилар. Туронғил соясидаги устунлари сувда турган ёғоч ший-понларда ҳордиқ олиш оламжаҳон ҳаловат эканлигини ҳис қилдим.

Оқчакўлдан қайтаётиб туман марказига кираверишда, йўлнинг сўл четида муҳташам бир бинога кўзингиз тушади. Туман маданият саройи бу. Замонавий шаклда, салобатли қилиб тикланган ушбу маскан ҳашар йўли билан қурилганлигига сира ишонмайсиз. Ўриндиқлар, кенг саҳна, баланд ва салобатли кўринишга эга саройнинг ичи чўғдай ловуллайди. Саҳна пардаларига қадалган безактошлар баландга ўрнатилган улкан қандил нурларида дуру-жавоҳирдай товланади. Маданият саройининг ён биқинида эса уч минг кишига мўлжалланган Амфитеатр (усти очиқ майдон) қурилган. Амфитеатрда туман миқёсидаги турли хил кўрик-танловлар ўтказилади. Туманда маданият муассасалари ривожланганини шундан ҳам билса бўладики, 32 та кутубхона, 12 та клуб мунтазам равишда ишлаб турибди. Айниқса, болалар спортининг ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол. Гапимизнинг исботи учун қуйидаги фактларни келтириб ўтсак, айни муддао бўларди.

(Давоми 4-бетда)

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг ажримига асосан қарздорлар: «Илман Хизмат» МЧЖ, «Биком» МЧЖ, «Ўзшаҳарқурилиш» ОТАЖ ва «Фам Сервис» ХФ устидан банкрот деб топиш учун иш қўзғатилган.
Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2002 йил 15 ноябрь куни соат 10.30 да ўтказилади.
**Манзил: Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 23-А уй. Миробод ДСИ, 602-хона.**
**Тел.: 55-38-64.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси факультет ходими Шофозил Ғоибназаровга падари бузруквори

**ҲАҚБЕРДИ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪА

### ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИДА ПАЙДО БЎЛГАН БУ ҚАЛЪАНИНГ НОМИНИ МАҚОЛАМИЗ ДАВОМИДА БИЛИБ ОЛАСИЗ...

Элликқальада бугун 3 та замонавий теннис корти, 17 та футбол майдончаси, 28 та спорт зали, 35 та кичик футбол, 68 та волейбол, 43 та баскетбол, 32 та қўл тўпи майдончалари мавжуд. Энди, юқорида айтганимиздай, маданият ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан республикамизнинг бошқа кўпгина туманлари билан муқояса қилиб кўрсак, Элликқалъа нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда замонавий қиёфада шаклланиб бораётган пешқадам туманлардан бирига айланганини кўрамиз.

Чиндан ҳам шундай: Элликқалъа Қорақалпоғистон иқтисодиётининг таянч тумани саналади. Бунинг сабаби бор. Аввало, иқтисодий равнақнинг муҳим омили кичик ва ўрта бизнес салмоғига эътибор қаратайлик. Ҳозирги кунда туманда 468 кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йил ушбу тармоқ учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 115,9 миллион сўм, бундан ташқари Орол жамғармаси Бўстон агентлиги томонидан 34,1 миллион сўмлик кредит ажратилди. Мазкур соҳа кичик ва ўрта бизнес ривожи эвазига ўтган йилнинг ўзида 2284 иш ўрни очилган бўлса, бугунга келиб бу рақам 3000 тага етди. Бундан ташқари энг муҳими, иқтисодий таянч сифатида айтиш мумкинки, туманда Жаҳон банки агентлигининг филиали очилди. Ушбу лойиҳага биноан 9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилади. Бу маблағ лойиҳада кўрсатилгани каби кенг кўламдаги суғориш ишларини олиб бориш, шўр ювиш, заҳ қочириш тармоқларини қуриш, янги техникаларни сотиб олиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади.

Кейинги пайтларда туман қиёфаси кескин ўзгарди. Элликқалъа замонавий шаҳар тусига эга бўлди. Асримизнинг мўъжизавий бунёдкорликларидан бири деб эътироф этилаётган «Учқудуқ — Мискин — Султон Увайстоғ» темир йўли ишга тушиши муносабати билан туманда ҳашаматли вокзал биноси қад ростлади. 600 ўқувчига мўлжалланган лицей, Молия-бизнес маркази, замонавий супермаркетлар, қанчалаб мини-маркетлар...бари.. бари иқтисодий ислоҳотлар йўлида дадил одимлаётган Элликқалъанинг бугунги қиёфасига чизги бўлади.

Мен нега буларни номманом санаяпман. Айтиш жоизки, мустақиллик бизга нима берди? — деган савол қаршисида дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрсак, аввало истиқлол ишлайдиган, ўз келажагини яратаман деган халқ учун имкониятлар эшигини кенг очиб берганини, керак бўлса дунёга йўл бошлаганини эътироф этмоқ керак. Юқорида битта туман миқёсида келтирган мисолларимиз ҳазилакам гаплар эмас.

Эслаб кўринг-а, бирор иншоот қураман десак ҳам, собиқ шўро даври сиёсатининг зуғумига дучор бўлардик. — Кремлнинг рухсатини кутардик, хайр-садақа сўрагандай Москвонинг қўлига қараб ўтирардик. Шундай бўлгач, қандай қилиб тараққий топасиз, шундай бўлгач, куним ўтса бўлди, дунё билан нима ишим бор, эртага бир гап бўлар, деган танбал кайфиятга тушиб яшайверасиз.

Истиқлол нури шууримизни янгилади, ботинимизда ғайрат-шижоат алангасини ёқди. Бу ҳолни элликқалъаликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун фахр-ифтихор билан айтиш мумкинки, Элликқалъада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида эътибор қозонмоқда. Дунёнинг илғор тадбиркорлари диққатини тортмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Элликқалъада тўқимачилик мажмуи қуриш режаси тузилганди. Бу ният 1994 йил амалга ошди. Қум барханлари ўрнида, яп-яйдоқ чўлда «Элтекс» тўқимачилик мажмуи қад ростлади. Корхонада Италиянинг «Морцали», «Рамалуумин», «Сомет», «Нокки», «Римольди», «Сибитекс», Германиянинг «Дюркоп-адлер», Туркиянинг «Сумер» ва «Даниш» русумли замонавий дастгоҳлари, тикув машиналари ўрнатилди. Корхона фойдаланишга топширилган йилдаёқ 42 миллион сўм соф фойда олди. Кейинги пайтда бу кўрсаткич бир неча ўн баробар ошди. Акциялар учун ҳиссадорларга тўланадиган дивиденд миқдори ҳам тобора ошиб борди.

Туманда саноатни юксак даражада ривожлантириш учун пухта замин яратилди. Чет эл сармояларини жалб этиш кутилган натижаларни бераяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 5112,5 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя киритилди. Юртбошимиз ташаббуси ва кўрсатмасига биноан иккита қўшма корхона ташкил этилди. Биз юқорида айтиб ўтган — фаолият юритаётган «Элтекс» акциядорлик жамияти негизида «ЮНИВЕР» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш қўшма корхонаси тузилиб, жинси матосидан жаҳон бозорлари талабларига тўла-тўкис жавоб берадиган кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Натижада яна 1673 та ишчи ўрин барпо этилди. Ҳозир бу ерда 3000 га яқин ишчи ишлаяпти. Қўшма корхона ҳовлисида 27,5 гектар ерда боғ барпо қилинган. Ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уч марта бепул овқатланиш йўлга қўйилган. «Элтекс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош директори Рашит Якубовнинг изоҳлашича, тумандаги 64 та мактабга 500 000 сўмлик ўқув китоблари, дарсликлар, «Қуёшой» боғчасига эса 600000 сўмлик мебель ва турли хил жиҳозлар олиб берилди. Шунингдек, туман марказий шифохонаси таъмирланиши учун ҳам моддий жиҳатдан кўмак берилди. Гапнинг очиғи, Қорақалпоғистон Республикасига тушаётган хорижий валюта маблағининг асосий қисми мазкур қўшма корхона ҳисобига тўғри келяпти. Бу ерда иш ҳажми тобора кенгайиб бораяпти. Йил охирида ишчилар сони 5000 нафарни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Яқинда корхонага Италиядан 43 контейнерда қиймати 9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган замонавий технологик-ускуналар келтирилди. Элликқалъа иқтисодиёти парвозида яна бир қанот бўлиб ҳисобланган «Медикал коттон интернейшнл» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонаси фаолият бошламоқда. Мазкур қўшма корхона йилига 150 тонна тиббиёт момиғи ишлаб чиқаради.



«Элтекс» ҳиссадорлик жамияти биноси

Корхоҳа маҳсулотлари 100 грамм ҳажмда қадоқланиб савдога қўйилади. Шунингдек, туманда «Бўстонароқвинозаводи» ва сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда «Элликқалъа олтин толаси», «Элнур», «Обод» ҳиссадорлик жамиятларининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Ҳа, бугун Элликқалъа республикада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан гуркираб ўсаётган туманларнинг бирига айланди...

***ТЎРТИНЧИ ҚАЙД. ХУЛОСА.***

Саҳролар қўйнига туташ хўжаликлардан тортиб, Элликқалъа қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга «Бўстон» каналини ҳам бориб кўрдим. Образли қилиб айтсак, бу канал туман қишлоқ хўжалиги учун ҳаёт манбаи саналади. «Бўстон» бу йил ишга тушди. Узунлиги 35,3 километр. Тўғридан-тўғри Амударёдан сув олади. Ҳар сонияда 50 кубометр сув ўтказиш қувватига эга. Туманнинг 15 минг гектар экин майдонлари эндиги кунда «Бўстон»дан сув ичади. Саноати юксалган Элликқалъа учун қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш имконияти яратилди.

Тошкентга қайтаётганимда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Неъматулло Худойбергеновга учрашдим.

— Хўш, Элликқалъа ёқдими сизга?, — сўради у.

— Жуда зўр.. Мен бу ерда эллик биринчи қалъани ҳам кўрдим, — дедим.

Ҳоким таажжубланиб менга қаради: — Қандай қалъа экан у?

— Эллик биринчи қалъа — бу тумандаги бугунги иқтисодий юксаклик, одамларнинг эртанги кунга ишончи. Бу ишончни мустақиллик инъом этган қалъа дейиш мумкин. Мустақиллик қалъаси ҳам мустаҳкам қад ростлаётганидан қувондим, — дедим ...

Неъматулло аканинг кўзида ҳаяжон ёлқинини сездим. У бироз ҳаяжонланиб турди-да, кўзлари ёлқинланиб:

— Раҳмат укажон, — деди, — Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси туманида истиқлол қалъаси мустаҳкамланаверсин.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

## ДИҚҚАТ:

# «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ НАВБАТДАГИ «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

### СОЛИҚ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар орасида одатда турли хил мавзудаги мақолалар билан бирга фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда турфа сўровлари ҳам кўплаб учрайди. Биз уларнинг ҳаммасини баҳоли-қудрат ўрганиб, айримларини ёритишга, айримларини (танқидий бўлса!) текшириш учун жойларга юборишга ва яна айримларига тегишли идоралар ҳамда муассасалардан зарур жавоблар олиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бироқ, айни пайтда пойтахтимиздаги турли идораларга ҳар хил ариза ва сўровлар билан келиб, қабулхоналарда кунлаб навбат кутиб қолаётган фуқаролар ҳам борлиги сир эмас. Улар у ёки бу раҳбар қабулига кириш, дардини, саволини, таклифини айтиш ва сўровига жавоб олиш учун узоқ-яқиндан атай, умид билан, нажот истаб йўл босиб келишади, албатта. Пировардида, одамлар — ҳам вақтдан ютқазади, ҳам маблағдан.

Шуларни ҳисобга олиб, юртдошларимизнинг мушкулларини осон қилиш, уларнинг ўз саволларига тегишли жавоб олишларига кўмаклашиш мақсадида вазирликлар, қўмиталар ҳамда республика миқёсидаги бошқа идораларнинг раҳбарлари билан **«Сиртқи қабул соатлари»** ўтказишни йўлга қўйган эдик.

Эсингизда бўлса, дастлабки учрашув Адлия вазирлиги раҳбарияти билан бўлганди. Бу гал эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раҳбарияти билан шундай қабул ўтказиш режалаштирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, мамлакат солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича кўп ўзгариш ва янгиликлар бўлмоқда. Шу жараёнда фуқароларда, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонларда турли хил саволлар пайдо бўлаётгани табиий. Сиз ўзингизни ташвишга солаётган муаммолар ва қизиқтираётган масалалар юзасидан қўмита мутасаддиларига савол бериш, таклиф-мулоҳазаларингизни билдириш имкониятига эгасиз.

**Саволлар, таклиф ва мулоҳазалар ёзма равишда 25 ноябргача таҳририятга йўлланиши ёки 133-20-36, 133-12-56 рақамли телефонлар орқали аниқ ва лўнда баён этилиши лозим.**

Сизларнинг савол ва таклифларингиз қўмита раҳбариятига тақдим этилади ва атрофлича ўрганиб чиқилади. Сўнгра Республика Солиқ қўмитасининг раиси **Жамшид Сайфиддинов** барча саволларга газетамиз орқали жавоб қайтаради.

Марҳамат; Сизни **«Ўзбекистон овози»**нинг **«Сиртқи қабул соатлари»** кутади!

## КУРАШ

# ДЕҲЛИГА КИМЛАР БОРАДИ?



Шу йилнинг 8-11 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида кураш бўйича II Осиё чемпионати ўтказилади. Унда қитъамизнинг 27 давлати вакиллари қаторида юртимиз полвонлари ҳам қатнашадилар.

Мусобақа эркаклар (тўрт вазн тоифасида) ва аёллар (икки) ўртасида бўлиб ўтади. Ўзбекистон кураш миллий федерацияси бош котиби Аббос Тўйчибоевнинг айтишича, эркаклар беллашувида иштирок этадиган полвонларимиз номи маълум. Баҳсларда Аюбхон Камолов (66 кг.), Рамзиддин Саидов (90 кг.), Давлат Чориев (90 кг.), Ўткир Саломов (мутлақ)лар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Қизлар ўртасида эса кимлар гиламга чиқиши келгуси ҳафтада аниқланади.

Мазкур чемпионатнинг аҳамиятли томони шундаки, унда Осиё Олимпия Кенгаши раҳбарияти, шунингдек, ООКнинг махсус комиссияси расмий кузатувчи сифатида қатнашади. Маълумки, курашни Осиё ва Олимпия ўйинлари дастурларига киритиш масаласи мутахассислар диққат марказида турибди.

## ФУТБОЛ

# 27 НОЯБРДА...

Осиё чемпионлари лигаси мусобақалари қизғин паллага кирди. Мусобақа низомига кўра, учрашувлар дастлаб қитъанинг кучли жамоалари ўртасида Шарқий ва Ғарбий минтақаларга бўлинган ҳолда тўрт босқичда ўтказилади. Сўнгра, ғолиб жамоалар тўрт гуруҳда баҳсларни давом эттирадилар.

Чемпионлар лигаси ўйинларида иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўз мухлисларини хурсанд қилмоқда. Ғарбий минтақада қатнашаётган ҳамюртларимиз кеча навбатдаги босқичга йўлланма берувчи дастлабки учрашувларни ўтказдилар. Фарғоналиклар Эронда «Истиқлол» (Теҳрон) жамоаси меҳмони бўлди. Учрашув 1:0 ҳисобида мезбонлар ғалабаси билан тугади.

«Пахтакор» эса Тошкентда БААнинг «Ал-Аҳли» жамоасини қабул қилди. Ҳужумкор ва кескин руҳда ўтган бу учрашувда пахтакорчиларга омад кулиб боқди — 3:2. Тўпларни футболчиларимиздан Анвар Солиев, Гочқули Гочқулиев, Зайниддин Тожиевлар киритди.

Энди 27 ноябрни кутамиз. Ўша куни бўладиган жавоб ўйинларида вакилларимиз муваффақиятли тўп суришса, гуруҳ баҳсларига йўлланма олишади. Агар «Нефтчи» икки учрашув натижасига кўра, ғалаба қозонса «С», «Пахтакор» эса «Д» гуруҳида курашни давом эттиради. Ҳозирча бу гуруҳларда қатнашадиган иккитадан жамоа номи аниқ:

***«С» ГУРУҲИ***

«Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони)
«Ал-Айн» (БАА)
«Ал-Завра» (Ироқ) — «Ал-Жаиш» (Сурия) учрашуви ғолиби.

***«Д» ГУРУҲИ***

«Пирузи» (Эрон)
«Ал-Талаба» (Ироқ)
«Ал-Араби» (Қувайт) — «Ниса» (Туркманистон)

■ **Эркин ХОЛБОБО**

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ҚОРА ГУРУҲ, ДОРИ, ИШЛАР...

### ЁКИ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ МУДҲИШ ҚИЛМИШЛАРИ ҲАҚИДА

«Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини». Бу гап афсус-надомат ботқоғига ботган ва қилмишидан пушаймон бўлган кишининг ноласи. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида тўрт кимсанинг манфур қилмишига ҳукм ўқилди. Уларнинг ҳар бирига узоқ муддатли жазо тайинланди.

Бекобод туманидаги А.Мавлонов номли хўжаликда яшовчи фуқаро А.Абдуллаев 2001 йил август ойида Қозоғистон Республикасида яшовчи Бахтиёр исмли шахс билан Тошкент туманидаги С.Раҳимов номли хўжалик ҳудудида танишиб, унга 1 кг. героин гиёҳвандлик моддасини 6000 АҚШ долларига сотиш ҳақида олдиндан жиноий тил бириктиришади. Шундан сўнг А.Абдуллаев ўзининг бу жиноий режасини амалга оширишга уринади. У бундай «молларни» Тожикистон Республикасидан олиб келиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудида сотишни режалаштиради.

Бу йўлда ёлғиз отнинг чанги чиқмаслигини, бундай бойлик орттиришни якка ўзи амалга ошира олмаслигини тушунади ва ўзига мос шерикларни излашга киришади.

Боши қотиб турганда эски танишлари ёдига тушди. Кўп ўтмай Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли хўжаликнинг Т.Қодиров кўчаси, 10-«а» уйда яшовчи Ж.Исмоилбеков, шу хўжаликнинг А.Каримов кўчаси 21-уйда яшовчи Б.Раимов, Бўка туманидаги «Равот» хўжалигида яшовчи Б.Тожибоев, Бекобод туманидаги А.Мавлонов номли хўжаликда яшовчи Д.Бердиев ҳамда шу туманнинг «1-Далварзин» хўжалигида яшовчи А.Холматовлардан иборат уюшган жиноий гуруҳ тил топишди. Жиноий тўдага А. Абдуллаевнинг ўзи раҳбарлик қила бошлади.

Улар амалга оширган жиноят эса ўта қалтис, муғомбирона усулда эканлигидан ёқа ушлайсан.

Дастлаб, ғойибдан тушган бу «ғоядан» илҳомланган уюшган жиноий гуруҳ аъзолари Б.Раимов, Д.Исмоилбеков ва А.Холматовлар шериги Б.Раимовга тегишли бўлган «Тико» русумли, давлат белгиси 10 Е 18-37 рақамли автоуловни божхона назоратини четлаб, Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтказиш ва уни 1 кг. героин гиёҳвандлик моддасига алмаштириб, ўзига хос «синов»ни ўтказадилар. 2001 йилнинг 14 сентябрь куни А.Холматов контрабанда йўли билан айланма йўллар орқали героин моддасини Тошкент тумани ҳудудида кутиб турган А.Абдуллаевга олиб бориб берган. У эса Тошкент туманидаги С.Раҳимов номли хўжаликдан ўтувчи айланма йўл орқали божхона назоратини четлаб, олдиндан келишилган жойда уни кутиб турган қозоғистонлик Бахтиёр исмли шахсга 6000 АҚШ долларига сотиб юборди... Қарабсизки, озгина «ҳаракат» натижасида бир «Тико»дан иккита «Тико» «ясашди».

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек мўмай пул қўлига тушган уюшган жиноятчилар 2002 йилнинг 20 февраль куни Бектемир шаҳарчасидаги Герий кўчаси, 46-уйда йиғилишади. Шунда улар фуқароларнинг шахсий автоуловларини босқинчилик йўли билан эгаллаб, божхона назоратини четлаб, Тожикистон Республикасига ўтказиш ва автоулов эвазига кўп миқдорда героин моддасини олиб, уни контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш ҳақида жиноий тил бириктиришади.

Ушбу режага асосан илк жиноят 2002 йилнинг 28 февралида содир этилади. Тахминан соат 19.30 ларда жиноий гуруҳнинг аъзоси Б.Тожибоев Тошкентдаги Жанубий вокзал олдидан Наманган шаҳрининг Учқун кўчаси, 5-уйда яшовчи С.Юсупов бошқарувида бўлган ВАЗ-2106 русумли, давлат белгиси 16 Е 34-14 рақамли автоуловни кира қилади. Ҳайдовчига Пискент туманига юришни айтади. Соат 21.00 ларда «Тошкент — Бекобод» йўлининг Оқтепа қишлоғидаги Оққўрғон туманига олиб борувчи бурилиш олдида машина тўхтайди. Бу ерда уларни кутиб турган «йўловчи»лар: А.Абдуллаев, Д.Исмоилбеков ва Б.Раимовлар ҳам машинага ўтказиб олинади. Сўнг машинани Оққўрғон туманига қараб ҳайдашни айтишади. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Навоий бўлимининг аҳоли яшамайдиган дала жойига етганида, ҳайдовчидан автоуловни тўхтатишни сўрашади. Машина тўхтагач, ҳайдовчини калтаклашади, оёқ-қўлини боғлаб, далага ташлаб кетишади. Автоуловни айланма йўллар орқали Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтказиб, 100 грамм героин эвазига сотиб юборишади.

«Оғайни»лар 2002 йилнинг 16 мартида Бектемир шаҳарчасининг Герий кўчаси, 46-уйда яна йиғилишади. Энди эса аввалгиларидан ҳам каттароқ — «Нексия» автоуловини қўлга киритиш ва яна божхона назоратидан четлаб Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтказиш, уни 500 грамм героин гиёҳвандлик моддасига алмаштириш режасини тузишади. Режага асосан шу куни соат 22.00 ларда, жиноий гуруҳ раҳбари А.Абдуллаев ва Б.Раимов Қўйлиқ бозорига келишади. У ерда «Нексия» русумли давлат белгиси 16 Ф 80-60 рақамли машинани тўхтатишади. «Нексия» эгаси И.Обидовдан Пискент туманига обориб қўйишни илтимос қилишади. Ҳайдовчи рози бўлади. Иш режа асосида амалга оширилади. Пискент туманидаги А.Дўстбеков номли ширкат хўжалигининг аҳоли яшамайдиган далаларида ҳайдовчини дўппослаб, оёқ-қўлларини боғлаб, бозор баҳоси 6000000 сўмлик «Нексия» автомобилини, машина юкхонасида бўлган 60000 сўмлик 2 та бензонасосни ҳамда ҳайдовчи ёнидаги 25000 сўм пулни олишиб воқеа жойидан яширинадилар...

Жиноят жазосиз қолмади. Қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари устма-уст юз бераётган бундай жиноятларни очишга киришди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, жиноятчилар тумшуғидан илинганлигини сезмай қолишди. Шу йилнинг 20 мартида тахминан соат 21.00 ларда Оққўрғон, Пискент ва Ўрта Чирчиқ тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ ходимлари ҳамкорлигида Бектемир шаҳарчасининг Герий кўчаси, 44-уйда яшовчи Ш.Шоазизовнинг уйи кўздан кечирилганда уй томидаги пахта толаси тагидан уюшган жиноий гуруҳ раҳбари Абдуқаҳҳор Абдуллаев томонидан сотиш учун яшириб қўйилган 2 ўрамда қадоқланган оқ рангли порошоксимон модда топилади. Судга оид кимёвий экспертизанинг 21 мартдаги 103-сонли хулосасига кўра, ушбу модда диацетилморфингероин гиёҳвандлик моддаси бўлиб, унинг соф оғирлиги 192,2 грамм эканлиги аниқланган.

Хуллас, одамларни қақшатиб, минглаб кишиларни гиёҳвандлик йўлига оғдиришга ҳаракат қилаётган жиноий тўда фаолиятига барҳам берилди. Жиноий жавобгарликка тортилган бу кимсалар, албатта, суд залида минг бир пушаймон бўлишди. Начора, энди кеч, улар қилган жиноятларига яраша жазо олишди.

■ **Аҳмад АҲМЕДОВ, Тошкент вилояти прокуратураси, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA